

группе следует четко определить и учитывать экономическую сущность налога или сбора [4].

Для субъектов естественных монополий, предприятий-монополистов, предприятий, имеющих государственную долю в уставном капитале организации, а также предприятий, выпускающих стратегическую и социально-важную продукцию целесообразно ввести матричный метод калькулирования затрат [4].

Применение предлагаемой группировки налогов и обязательных платежей, а также матричного метода калькулирования расходов предприятий вытекает из положений «теории обмена эквивалентов» и направлено на поиск «компромисса» между налогоплательщиками и государством по уровню налоговой нагрузки.

Внедрение предлагаемых мер позволит создать условия для обеспечения сбалансированности цен на продукцию базовых отраслей, что будет способствовать оздоровлению производственно-финансового состояния предприятий, функционирующих в реальном секторе.

Литература

1. Данные Агентства по статистике при Президенте Республики Узбекистан. URL: <https://stat.uz/ru/> (дата обращения: 13.02.2024).
2. Блауг М. Экономическая мысль в ретроспективе. - М.: "Дело Лтд", 1994. С.395-408
3. Макконнелл К. Р., Брю С. Л. Экономикс: принципы, проблемы и политика : [рус.] = *Economics: Principles, Problems, and Policies*. - М.: Республика, 1992. - Т. 2. - С.394-398
4. Воронин С., Угай Д., Азимова Ф. Необходимость развития классификации налогов и сборов в условиях нарастания финансовой нестабильности в мировой экономике // *Экономическое обозрение Национального Банка Казахстана*. Выпуск №3, 2023. URL: <https://nationalbank.kz/ru/news/ekonomicheskoe-obozenie/rubrics/2003> (дата обращения: 03.05.2023).

АКЦИЯЛАР БОЗОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Восиқов Абдуваҳоб Равшан угли

*Тошкент Кимё халқаро университети
таълим докторанти*

Мамлакатимиз корпоратив секторида фаолият юритаётган акциядорлик жамиятларида замонавий молиявий бошқарувнинг фундаментал ва амалий жиҳатларини такомиллаштириш корпоратив ошкораликни таъминлаш, корпоратив бошқарув механизмини самарали ташкил этиш, маҳаллий ва хорижий инвесторларни жалб қилишда инвестицион жозибадорликни ошириш, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини жорий этиш каби стратегик мақсадларга эришишда муҳим аҳамият касб этади. Бугунги жаҳонда юз бераётган геосиёсий муаммолар, ташқи иқтисодий муҳитнинг нобарқарорлиги ва прогноз қилишнинг мураккаблиги бошқа давлатлар сингари Ўзбекистонда ҳам

мамлакатимиз акциядорлик жамиятлари фаолиятини ривожлантириш бўйича стратегияларини қайта кўриб чиқишни тақозо этмоқда. Айниқса, бу борада акциядорлик жамиятлари капиталини шакллантириш, улардан оқилонга фойдаланиш, ишлаб чиқариш жараёнларини узлуксизлигини таъминлашда молиявий таъминот манбаларини диверсификациялаш, хусусан қимматли қоғозлар ёрдамида капитални жалб қилишга қилинган харажатлар миқдорини камайтириш кабилар муҳим ҳисобланади.


Таъкидлаш лозимки, кейинги йилларда акциядорлик жамиятларининг молиявий таъминотини мустаҳкамлашда қимматли қоғозларнинг ўрни муҳим аҳамият касб этиб бормоқда. Бу эса ўз навбатида корпоратив тузилмалар фаолиятини молиялаштиришда банк моделига бўлган яққол талабни диверсификациялаш имкониятини амалга оширишда долзарб ҳисобланади. 2022 йил давомида 114 та эмитентнинг 36,15 млрд дона қимматли қоғозлари билан жами 4,82 трлн сўмлик 80 723 та битим тузилган бўлиб, энг катта ҳажмдаги битимлар январ ойида қайд этилган бу кўрсаткич 3,04 триллион сўмга етган. Максимал ҳажм 20 январга тўғри келган бўлса, шу куни тузилган битимларнинг умумий суммаси 1,90 трлн сўмдан ошган. Энг кам ҳажмдаги битимлар август ойида тузилган бўлиб жами 39,53 млн. сўмни ташкил этган. Агар йиллар кесимида таҳлил қиладиган бўлса, 2018 йилда жами битимлар ҳажми 687,30 млрд.сўмни ташкил этган бўлса, ушбу кўрсаткич 2013 йилнинг 9 ойлик якунлари бўйича 2,5 баробарга ошган ҳолда 2354,80 млрд. сўмга етган. Бу эса ўтган йиллар мобайнида институционал инвесторлар томонидан қимматли савдолари бўйича фаоллашуви ҳамда масъулияти чекланган жамиятларига корпоратив облигациялар эмиссияси бўйича берилган ваколатларни жорий этилганлиги билан изохлаш мумкин. Ушбу рақамларни тузилган битимлар ҳажми бўйича ҳам кўриш мумкин.

Агар 2018 йилда жами 13750 дона битимлар тузилган бўлса 2023 йилнинг якунларига келиб қимматли қоғозлар савдолари бўйича тузилган битимлар сони 18 баробарга ошганлини ўзи Тошкент РФБ да замонавий платформаларини босқичма-босқич такомиллашиб бораётганлигини намоён этади (1-расм).

Хусусан, 2023 йил давомида акциялар бозорининг биржа савдоларида IPOни ҳисобга олган ҳолда 101 та эмитентнинг 28,08 млрд дона қимматли қоғозлари билан умумий қиймати 2,62 трлн сўмлик 411 393 та битим тузилди. Энг катта ҳажмдаги битимлар феврал ойида қайд этилган бўлиб, бу кўрсаткич 945,24 млрд сўмга етган. Максимал ҳажм 15 февралга тўғри келган бўлиб, шу куни транзакцияларнинг умумий суммаси 584,34 млрд сўмни ташкил этган.

2023 йилда акциялар бозорининг барча платформаларда ўртача кунлик битимлар сони 1 658 тани, ўртача кунлик битимлар ҳажми 10,57 млрд сўмни, қимматли қоғозларнинг ўртача кунлик савдоси сони эса 113,23 млн донани ташкил қилди. 2023 йилда “Stock Market” акциялар

бозорининг “Main Board” савдо майдонида 93 та эмитентнинг 18,07 млрд дона қимматли қоғозлари билан 398 808 та битим қайд этилган.



**1-расм. 2018-2023 йилларда қимматли қоғозлар бўйича
битимлар сони ва ҳажми [1]**

Тузилган битимлар ҳажми 362,87 млрд со'мдан ошган. 2023 йил якунида акциялар бозори бўйича умумий битимлар сонининг 96,94 фоизи “ Main Board” платформасида амалга оширилганига қарамай, битимларнинг энг катта ҳажми “Nego Board” платформасида (72,70 фоиз) амалга оширилган. “Nego Board” савдо платформасида 9,92 млрд дона қимматли қоғозлар билан умумий қиймати 1,91 трлн сўмлик 148 та битим қайд этилган.

2023 йил 19 октабрдан “Тошкент” РФБ Қимматли қоғозлар савдоси қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар тасдиқланган пайтдан эътиборан қимматли қоғозларни олдисотди битимларини амалга ошириш ёки “Қимматли қоғозларни тўловсиз клиринг қилиш ва етказиш” усулини нақд пулсиз ҳисоб-китобларсиз чиқариш натижасида эмитент томонидан ўз қимматли қоғозларини жойлаштириш учун янги Free of Payment (FoP) Board савдо майдончаси ишга туширилди. Ушбу савдо майдончаси ишга туширилгандан буён жами 4 та битим амалга оширилди, шундан 3 таси тест режимида амалга оширилди. 2023 йилнинг 21 декабр куни “FoP Board” платформасида “Қўқон биокимё” АЖнинг умумий қиймати 248,38 млрд сўм бўлган 69,78 млн дона қимматли қоғозлари билан биринчи йирик битим амалга оширилди, бу биржанинг умумий биржа ҳажмининг 9,48 фоизини ташкил этади. Битим давомида ушбу эмитентнинг акциялар умумий чиқарилишидаги оддий акцияларининг 99,68 фоизи сотилди. Фикримизча, мамлакатимизда қимматли қоғозлар бозорини янада такомиллаштиришга доир қуйидаги асосий хулосалар шакллантирилди.

Халқаро амалиётдан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистонда ривожланаётган фонд бозорининг институционал мустаҳкамлаш ва функционал ривожланиш суръати ва сифати кўп жиҳатдан энг ишончли эмитентлар, йирик институционал инвесторлар ва тажрибали инвестиция институтлари сифатида иштирок этадиган банк муассасаларининг фаолиятига боғлиқ.

Молиявий бозорларнинг глобаллашуви ва халқаро миқёсда ўсиб бориши, молиявий ва саноат капиталининг юқори даражадаги интеграциясига бўлган дунё миқёсидаги тенденция, шунингдек, банклар томонидан хорижий инвесторлар назарида анъанавий равишда юқори мавқега эга бўлиш корхоналарнинг эҳтиёжларини қондириш учун инвестицияларни жалб қилиш бўйича фаолиятини жадаллаштиришга таъсир этувчи асосий ташқи омиллар қаторига киради.

Миллий фонд бозорининг инновацион ривожланиш эҳтиёжларини инвестицион қўллаб-қувватлаш бўйича банкларнинг фаолиятини кучайтиришга таъсир этувчи ички омилларнинг бутун мажмуасини икки йирик гуруҳга ажратиш лозим. Улардан биринчиси асосий воситаларнинг юқори даражадаги эскириши, маҳсулотларнинг потенциал бозорини маркетинг тадқиқотларининг паст даражаси, кўплаб корхоналарда корхоналарнинг инновацион ривожланиш стратегияларининг йўқлиги, шунингдек менежерларнинг профессионалиги ва миллий инвестиция ва молиявий инфратузилманинг ривожланмаганлиги билан боғлиқ.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. 2023 йил Биржавий таҳлил. Тошкент РФБ йиллик ҳисобот материаллари.
2. Астанақулов О.Т. Инвестициялар тараққиёт омили сифатида. “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. 2018 й., № 6, декабр
3. Сазонов А.А., Сазонова М.В. Прогнозирование экономических показателей на основе трендовых моделей // Фундаментальные и прикладные исследования: проблемы и результаты. – 2015. – № 23. – С. 219-224.
4. Maela Giofré (2021) COVID-19 stringency measures and foreign investment: An early assessment//North American Journal of Economics and Finance 58, 101536J
4. <http://www.deponet.uz/uzc/about/about-dep/reports> - Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ҳисоботлари.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKANING XALQARO MOLIVAVIY INSTITUTLAR BILAN ALOQALARI

Voxidova Mehri Xasanovna
TDSHU kafedra mudiri, dotsent
Nuriddinova Nigina Shuhrat qizi
TDSHU 1-kurs magistranti